

Жума куни «Оли Имрон» сурасини ўқиш



04:30 / 22.09.2023 3965

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ким жума куни Оли Имрон номли сурани ўқиса, Аллоҳ ва Унинг фаришталари қуёш ботгунча унга салават айтиб турадилар», – дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам жума куни бомдод намозида «Алиф лам мим. Танзилу...»ни – Сажда(сураси)ни – ва «Ҳал ата ъалал-инсани»ни қироат қилар эдилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Ибн Абу Сайф Яманий «Ал-ламъа фи рағоиб явмил жумуъа» китобида Термизийнинг қуйидаги гапларини келтиради:

«Тасбеҳ намозини жума куни завол пайтида ўқиш мустаҳабдир. Биринчи ракъатда Фотиҳадан кейин Такосурни ўқийди, иккинчисида Вал асрни, учинчисида Кофирунни, тўртинчисида Ихлосни ўқийди». Сўнг охирида ўқиладиган қўшимча дуони ҳам келтирган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан